



Самарқанд вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи  
С.Нуриев

«\_\_\_\_\_» 2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

Самарқанд шаҳар 2022 йил

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома.**

**II. Техник қисм.**

**III. Нархлар қисми.**

1. Танлов иштирокчилари учун йурекнома

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ.**

**1.1.** Танлов предмети: Самарқанд вилояти адлия бошқармаси балансидаги 5 та (Тойлок, Пастдаргом, Ургут, Каттақўргон туман ДҲМлари ва Хизмат уйи) бинони том қисмiga қуёш фотоэлектр станциясини сотиб олиш ва ўрнатиш.

**1.2.** Танлов киймати **550 000 000** (Беш юз эллик миллион) сўм. Ушбу суммадан ортиқ берилган таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**1.3.** Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмida келтирилган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

**1.4.** Ишларни бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида.

**1.5.** Махсулотни олиб келиш ва ўрнатиш - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1.** Самарқанд вилоят адлия бошқармаси (бундан кейин - "Буюртмачи" деб аталади) танлов ташкилотчиси хисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Самарқанд шаҳар, Бобур Мирзо кўчаси 12-уй, Телефон: (55)701-00-55 (ichki 4007).

**2.2.** Танлов Самарқанд вилоят адлия бошқармаси "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**3.1.** Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқати ва ваколатлар;

- Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 % фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағлар микдори.

Молиявий натижалар;

Ишчи ходимларнинг иш стажи ва маҳсус лицензияга эга эканлиги.

**3.2.** Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

**3.3.** Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик жараёнида турганлар;

- мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бопка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

**4.1.** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

**4.2** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар ”Буюртмачи” ва ”Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши лозим.

**4.3** Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

**Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:**

- техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

- нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсатгичлар кўрсатилган бўлиши керак;.

- танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларини яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

#### **4.4. Танлов иштирокчиси:**

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хукуқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ.**

**5.1.** Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириш мумкин.

**5.2.** Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

**5.3.** Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**6.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**6.2.** Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилишга мажбурдир.

**6.3.** Танлов иштирокчиси тақим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

### **7. БОШКА ШАРТЛАР**

**7.1.** Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган

санадан эътиборан камида ун қунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот узайтирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгатишлар киритилади.

**7.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли, сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кунига давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

**7.3.** Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

**7.4.** Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақим этиши шарт.

**7.5.** Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Бошқарма бошлигининг ўринбосари

 Ж.Зоҳидов

Хуқуқий хизматлар бўлими бошлиғи

 Х.Бобонов

Инсон ресурслари бўлими бошлиғи

 О.Мамаюсов

Режалаштириш ва самарадорликни баҳолаш  
бўлими бошлиғи

 С.Мажидов

Хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш  
бўлими бошлиғи

 М.Абдуғаниев

Молия иқтисод бўлими бошлиғи  
комиссия котиби

 Р.Махмудов